

Ширинов Учқун Абдухалилович СамИСИ тадқиқотчиси  
**АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА СЕГМЕНТАР АУДИТНИНГ  
КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ**

*Аннотация:* Мақолада алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектлар сегментр аудитининг зарурияти мақсади ва вазифалари баён қилинган.

*Калит сўзлар:* Сегмент, сегментар аудит, алоқа, аудит.

*Аннотация:* В статье описаны цели и задачи необходимости проведения сегментарного аудита организаций, оказывающих услуги связи.

*Ключевые слова:* сегмент, сегментарный аудит, коммуникация, аудит.

*Annotation:* The article describes the goals and objectives of the need for segmental audit of communication service providers.

*Keywords:* Segment, segmental audit, communication, audit.


Мамлакатимизда алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар фаолияти давлат томонидан ҳам назорат қилиниб борилади. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекция Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ-1836-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар, техник регламентлар талаблари, лицензиялар талаблари ва шартлари, сертификатлаштирилган ускуналардан фойдаланишнинг белгиланган тартиби, телекоммуникациялар, почта алоқаси, даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматининг сифат нормативлари бажарилиши ҳамда уларга риоя қилиниши, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборотлаштириш ва телекоммуникация

технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан давлат назорати органи ҳисобланади.

Республикамизда алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш, содир бўлган хўжалик муомалаларини амалдаги меъерий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш улар амалиётида аудиторлик хизматидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Ҳар қандай бухгалтерия ҳисоби объекти аудит қилинишидан олдин унинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинади. **Алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар аудиторлик текширувини ўтказишнинг мақсади – корхона фаолиятини тўғри ташкил этилганлиги, уларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилганлигини аниқлашдан иборат.**

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда алоқа хизматларини кўрсатиш корхоналарида аудиторлик текширувининг асосий вазифасини куйидаги тарихда белгилаш мумкин:



**1-расм. Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудиторлик текширувининг асосий вазифасини**

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар фаолиятини тўғри ташкил этиш, уларда кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга, ахборот фойдаланувчилар учун ҳисоб маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва корхона фаолиятини барқарор давом эттиришга хизмат қилади.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ўзига хос ёндашувни талаб этади. Чунки алоқа хизматлари бу ҳам моддий ҳам номоддий кўринишга эга бўлган хизматларни ўзида жамловчи фаолият туридир. Бундан ташқари ички аудитордан ҳам ахборот технологиялар соҳасидан юқори билимга эга бўлишни талаб қилади. Шу нуқта назардан келиб чиқиб бир гуруҳ олимлар мутахассислар ўз ишларида янги технологиялардан фойдаланиш ҳажми ва даражасидан келиб чиқиб, ички аудит хизматларини бир нечта гуруҳларга ажратганлар:<sup>1</sup>



**2-расм. Ички аудит хизматларини гуруҳлари**

- ❖ наворлар (14%) – иқтисодиёт соҳаси, компания ҳажми ёки минтақасидан қатий назар, ҳамма жойда мавжуд. Бу шунини кўрсатадики

<sup>1</sup>С.Маликова Внутренний аудит: основные инструменты и компетенции на базетехнологий. <https://www.eg-online.ru/article/377541/>

технологияни қабул қилишдаги стереотипик тўсиқларни (хизмат хажми ва бюджети) енгиб ўтиши мумкин;

- ❖ издошлар (46%) – наворлага эътиборни қаратишади ва улар ортидан технологияларни қўллашда эргашишади, лекин жуда секинлик билан;
- ❖ кузутувчилар (37%) – ушбу гуруҳ вакиллари технологиялардан паст даражада фойдаланишади ёки умуман фойдаланишмайди. Улар технологияларнинг етишмаслиги, компаниядаги маълумотлар сифати пастлиги ёки сармоя киритиш учун ресурслар етишмаслиги билан чекланиши мумкин ёки корхона маданий жихатдан тайёр бўлмаслиги мумкин.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазибалари белгилаб қўйилиши лозим.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазибалари	
кузутувчи кенгашни ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш	ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш

**3-расм. Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг асосий вазибалари.**

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектлар кузутув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ички аудиторнинг асосий вазибасидан биридир. Чунки кузутув кенгаши аудиторнинг ахборотлари асосида корхона келажагини белгиловчи қарорларни қабул қилишади. Бу эса корхона келажакда катта наф олишига асос яратиши мумкин. Ички аудитор корхона фаолиятини такомиллаштиришга, харажатларни камайтиришга доир таклифларни ҳам тайёрлаши лозим. Бундан ташқари ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиб бориши лозим.

Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудит технологиясини ривожланаётган иқтисодиётга мослаштириб бориши лозим. Ички аудит технологиясини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши – бу текширув ўтказишни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўлларининг самарадорлигини ошириш ҳамда унинг заиф томонларини аниқлашдир. Шу сабабдан аудиторлик текшируви босқичларининг кетма-кетлиги, унинг бориши ва натижавийлиги ички аудиторлик назорати самарадорлиги ва ҳолатини белгилаб беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Urazov K. B. *Vuxgalteriya hisobi va audit: Oliy o'quv yurtlari uchun.*– Т.: О'қитувчи, 2004.
2. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003.
3. Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил. – Т.: «Меҳнат», 1995.
4. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 23.
5. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.
6. Abduxalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).
7. Ширинов, У. А. (2019). УЧЕТ РАСХОДОВ В СУБЪЕКТАХ ОКАЗЫВАЮЩИХ УСЛУГИ ТЕЛЕРАДИО. *Интернаука*, (5-2), 19-21.
8. Ширинов, У. А. (2019). ТЕЛЕФОН ХИЗМАТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (2-2), 83-85.